# ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГА БИЛИНГ

## ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

БИРИНЧИ агроучастка коммунистлари Мирғани Мирзиёдовни яна бир овоздан партия группаси ташкилотчилигига сайладилар. Мирғани илғор бригада раҳбарларидан. Ўн йилдан бери шу совхозда ҳалол меҳнат қилиб келяпти. Деҳқончилик илмини яна ҳам пухтароқ эгаллай деган ниятда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига сиртдан ўқишга кирган. Ҳозир IV курсда ўқияпти.

Ўтган йили совхоз бўйича Мирғани Мирзиёдов ва Мирғиёс Солиҳов бошлиқ бригадалардан бошқа ҳамма коллективлар давлат олдида қарздор бўлиб қолишди. Мирғани бошлиқ сабзавоткорлар 28 гектар ерда деҳқончилик қилишган эди. Улар қийинчиликларни енгиб гектар бошига пландаги 10 тонна ўрнига 10,5 тоннадан картошка ҳосили йиғиштириб олдилар. Янги совхоз шароитида бу анча юқори кўрсаткич эди.

Коллектив бу йил тепаликларни текислаб яна 20 гектар ер очди. Ҳозир гектар бошига кам деганда 13 тоннадан ўртаки ва кечки картошка ҳосили йиғиштириб олиш учун кураш кетаяпти.

Агроучастка партия группасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида шулар ҳақида гапирдилар деб ўйлаган эдик. Йўқ, докладчи М. Мирзиёдов ҳам, музокарада сўзга чиққан бошқа коммунистлар ҳам ҳисобот даврида бажарилган ишларни танқидий кўз билан таҳлил қилиб асосий эътиборни ҳал этилмаган муаммоларга қаратдилар. Йиғилишда партия группаси ҳисобидаги 7 коммунистнинг ҳаммаси сўзга чиқди. Улар партия группаси жанговарлигини, коммунистлар активлигини оширишга қаратилган конкрет таклифларни ўртага ташладилар. Совхоз маъмурияти ва партия ташкилоти адресига ўринли эътирозлар билдирдилар.

— Партия йиғилиши тарбия мактабидир,— деди кекса коммунист А. Д. Егай.— Лекин ҳисобот даврида партия группаси йиғилишлари белгиланган муддатларда ўтмади. Совхоз партия ташкилоти эса группа фаолияти устидан етарлича назорат қилмади. Ваҳоланки, йиғилиш кун тартибига қўйиса бўладиган масалалар кам эмасди. Масалан, марказий бухгалтерия ишидаги чалкашликларни олиб кўрайлик. Айрим ходимларнинг масъулиятсизлиги билан ишчилар ўз маошларини вақтида ололмаяптилар. Илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳам эътибордан четда. Ёнма-ён карталарда ишлаётган бригадаларнинг бири планни мунтазам бажараяпти-ю, аммо қўшни бригадада умуман ўсиш сезилмаяпти. Бунинг сабабини на партия группаси, на совхоз партия ташкилоти чуқурроқ ўрганмаяпти. Бир сўз билан айтганда партиявий ишларни ҳам, хўжалик ишларини ҳам жадал қайта қуриш пайти келди. Ишга янгича ёндошиб, янгича фикрлашга ўрганайлик.

Коммунист Турдиали Кушев илгари сабзавотчиликда ишлар эди. Бу йил ўз ташаббуси билан маккажўхоричилик бригадасига ўтди. Қолоқ участкани илғорлар даражасига кўтаришга сўз берди. Ёш коммунист ваъдасига вафо қиляпти. У бошлиқ бригада аъзолари бу йил 40 гектар ерга силос учун, 40 гектар ерга эса дон учун маккажўхори экишган эди. Силос бостириш плани ҳам, дон олиш плани ҳам бажарилиш арафасида турибди.

— Бу ютуққа биз социалистик мусобақани тўғри йўлга қўйиш туфайли эришмоқдамиз, — деди у. —Лекин мусобақанинг кучига ҳамма ерда ҳам тўғри баҳо берилмаяпти. Мусобақага вақтида якун чиқарилмайди, ғолиблар рағбатлантириб борилмайди. Натижада ишга қизиқиш сусаймоқда. Партия группаси, совхоз партия ташкилоти бу масала билан жиддий шуғулланишлари керак.

Механизатор Қобил Ўрозбоқиев, ишчи Аҳмад Ёқубов, бригада бошлиғи Абдурашид Абдувосидовнинг таклифлари ҳам ўринли бўлди. Улар хўжалик ишлари билан бир қаторда ташкилий партиявий, ғоявий-сиёсий ишларни чуқур таҳлил қилдилар. Коммунистларни мавжуд қийинчиликларни енгишга, совхоз бўйича умумий юксалишни таъминлашга даъват этдилар. Бунинг учун ҳар бир коммунист партиясиз активлар ва комсомолларнинг етакчиси бўлмоғи керак.

Агроучасткада 25 нафарга яқин комсомол аъзоси меҳнат қиляпти. Лекин улар ҳисобига партия сафларини ўстириб боришга эътибор берилмаяпти. Ҳисобот даврида умуман совхоз бўйича бир киши партия аъзолигига қабул қилинди, холос. Буни нормал ҳол деб бўлмайди. Коммунистлар сафини ўстира бориб барча участкаларда партиявий таъсирни кучайтириш зарур.

Кадрлар қўнимсизлиги ҳам совхозда муҳим муаммо бўлиб турибди. Зарур маданий-маиший шароитларнинг йўқлиги учун ҳам ёшлар муқим ишламаяпти. Уй-жой танқислиги жуда секинлик билан ҳал этилмоқда. Социал соҳада муҳим ўзгаришлар ясаш шу куннинг талабидир.

Оҳангарон районидаги Будённий номли совхоз биринчи агроучасткаси коммунистларининг ҳисобот сайлов йиғилишида яна кўпгина масалалар кўтарилди. Совхоз партия бюроси коммунистлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиши ҳамда уларни бажариш юзасидан зарур чораларни кўриши керак.

Совхозда 4 та партия группаси бор. Уларнинг 2 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Навбатдаги йиғилишларни ҳам танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида, ишчанлик вазиятида ўтказиш учун партия бюроси аъзолари партия группаларига амалий ёрдам кўрсатишлари лозим.

**Ж. НОСИРОВ.**



◆ **КОММУНИСТ кабелчи электромонтёр Қодир ака Мажидовни ҳамкасблари меҳр билан — устоз дейдилар. Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасида 25 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Мажид ака шу йиллар ичида ўнлаб ёш энергетикларга ҳаётга йўлланма берди. Унинг шогирдларини ҳозир республиканинг барча областларида учратиш мумкин.**

**Меҳрибон, талабчан устоз яқинда ўн биринчи беш йиллик давомида эришган меҳнат кўрсаткичлари учун «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланди. Суратда: Қ. Мажидов ҳамкасби Р. Турсунов билан.**

**Р. Шарипов** фотоси.

*Комсомол ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар*

# ЎЗ ҲИССАНГИЗ БЎЛСИН

Автоматика-иссиқлик ўлчови цехи комсомол ташкилотига 12 йигит-қиз бирлашган. Ленинчи ёшлар ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар. Улар ҳиссаси билан цех социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бормоқда.

Ёшлар доимо изланишдадирлар. 1986 йилнинг ўтган даври ичида 15 та рационализаторлик таклифи билан чиқдилар. Уларнинг ўндан ортиғи ишлаб чиқаришга жорий этилди ва бир неча минг сўмлик иқтисодий самара олинди.

Цехда деворий газета, «Жанговар варақа»лар мунтазам чиқариб турилибди. Цехлараро спорт мусобақаларида, конкурсларда кўп марта ғолиб бўлдилар. Қозон-турбина цехи комсомол-ёшлари ҳаётидан ҳам шунга ўхшаш мисолларни келтириш мумкин.

Ангрен ГРЭСи комсомол ташкилотининг ҳисобот — сайлов йиғилишида кейинги йилларда ёшлар активлиги, ташкилий, ғоявий-сиёсий ишлар даражаси ўсганлиги таъкидланди. Корхона коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган даври ичида пландан ташқари 15 минг киловатт-соат электр энергияси, 800 гигакалорий иссиқлик энергияси ҳосил қилди. Бунда комсомол-ёшларнинг ҳам арзирли ҳиссалари бор. Бу йил ГРЭСда катта ҳажмда ремонт ишлари ўтказилди. Мураккаб ускуналарни ремонт қилиш, созлашда комсомоллар актив қатнашдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган ГРЭС комсомол комитетининг секретари Н. Бойматова ва музокарада сўзга чиққан ёшлар ўз фаолиятларига танқидий ёндашиб, асосий эътиборни юз берган камчиликларни бартараф этишга қаратдилар.

Ёнилғи-транспорт цехида 28 ёшгача бўлган 70 га яқин йигит-қиз меҳнат қилади. Уларнинг 18 нафари комсомол аъзоси, холос. Бу цехда ВЛКСМ сафларини ўстириш қониқарсиз аҳволдадир. Мазкур ишлаб чиқариш участкасида олий ва ўрта махсус маълумотли ёшлар кўп. Лекин улар рационализаторлик ҳаракатида суст қатнашмоқдалар.

— Комсомол-ёшлар ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган, — дейди марказий ремонт цехи токари С. Марцун. — Ишга кечикиб келиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Комсомол ташкилоти интизомсизларга нисбатан кўнгилчанлик қилмоқда. Комсомол топшириқларининг бажарилиши устидан етарли назорат ўрнатилмаган. Кейинги бир йил ичида ВЛКСМ устави нормаларига қандай риоя қилинаётганлиги ҳақида бирон комсомол аъзосининг ҳисоботи тингланмади.

Химия цехи ишчиси А. Кримкова кўпчилик эътиборини комсомол йиғилишлари ролини оширишга, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш ва унинг таъсирчанлигини ошириш масалаларига қаратди.

Техник Р. Старикова топширилган иш участкаси учун комсомол аъзоси масъулиятини ошириш зарурлигини уқтирди.

— Цех комсомол ташкилотлари секретарлари ва группа ташкилотчиларининг ҳисоботларини йиғилишларда мунтазам тинглаб бориш керак, — деди у. — Ҳозирча уларга нисбатан қатъий талабчанлик қилинмаяпти. Бу йил корхона бўйича спартакиада ўтказилди. Унда мавжуд етти цехдан тўрттаси қатнашди холос. «Балли, қизлар» конкурсида ҳам шундай ҳол юз берди.

Техник В. Заркова, цех бошлиғи В. Фисенко, катта мастер С. Герасимов ва бошқа ўртоқлар ҳам фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ёнилғи ва энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, комсомол-ёшларнинг авангардлик ролини ошириш ва бошқа масалалар бўйича қимматли таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирдилар.

**Б. ПЎЛАТОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

## ПЕДАГОГЛАР КЕНГАШИ

ЯҚИНДА Янгийўл шаҳар маданият уйида область болалар музика мактаблари педагогларининг анъанавий кенгаши бўлиб ўтди. Унда область маданият бошқармаси бошлиғи В. А. Емцов янги ўқув йилида педагогик коллективлар олдида турган вазифалар юзасидан доклад қилди. Мавжуд 36 та музика мактаби фаолиятини таҳлил қилиб берди. Эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга асосий эътиборни ишдаги камчилик-нуқсонлар ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган масалаларга қаратди. Доклад юзасидан бўлган музокарада иштирок этган бошқа нотиқлар ҳам музика мактабларида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**С. КАБИРОВ.**

## ИШЧИДАН ИНЖЕНЕРГАЧА

ТОШКЕНТ алоқа электротехника институти ўқитувчилари ишлаб чиққан узлуксиз практика студентларнинг ишчидан инженерга қадар ҳамма маҳорат босқичларини ўтишларига имкон беради. Бу практика бутун таълим даврини ўз ичига олади.

Эндиликда студентлар олтинчи семестрдан сўнг ишчи сифатида қабул қилувчи ва узатувчи радиомарказларда, телемарказда, радио уйлари ҳамда радиоэшиттириш тармоқларининг кучайтиргич станцияларида ишлайдилар, замонавий алоқа корхоналари структураси, ташкил этилиши ва техникавий жиҳозланиши билан танишадилар. Кейинги йилда эса улар техник вазифасини бажариб, аппаратларни ўрганадилар, уларда ишлаш кўникмаларини ҳосил қиладилар. Якка тартибда бериладиган топшириқларда ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари талаб этадиган элементлар ҳам бўлади. Ниҳоят диплом ёзишдан олдинги практика алоқани ташкил этиш масалаларини чуқур ўрганишга бағишланади. Бу эса пухта инженерлик тайёргарлиги бўлишини талаб қилади.

**(ЎзТАГ мухбири).**

*Маҳаллий Советлар иш тажрибасидан*

# НУРОБОД ТАШВИШЛАРИ

**ИЮНЬ оқшомида Янги Ангрен ГРЭСи қурувчилари посёлкаси Нуробод кўчаларида одамлар одатдан ташқари кам бўлди. Ҳамма телевизор экранлари олдига тўпланган эди, ретрансляция станцияси ишлай бошлади. Тошкентликлар неча программада телевизион эшиттиришларини томоша қилсалар, энергетиклар ҳам ана шу программаларни кўриш имкониятига эга бўлдилар. Сайловчилар Нуробод посёлкаси Совети депутатларига берган навбатдаги наказ бажарилди.**

...Етти йил муқаддам бу жойлар яйдоқ ерлар эди. Фақат тоғдан эсган шамол чўл ўтларини учириб думалатар, энг яқин жойдаги Қорахитой қишлоғидан баҳорда боқиш учун қўйларни ҳайдаб келишарди. Ёзда жазирама иссиқ ва чанг, қишда суяклардан ҳам ўтиб кетадиган изғирин, фақат Ангрен дарёсигина кўзни қувонтиради. Худди мана шу дарё йирик энергетика комплекси қурилиши учун пластдарм бўлиб қолди. Нурободда биринчи тўрт қаватли бино 1980 йил кузида қад кўтарди. «Узбекгидроэнергострой» трестининг механизациялашган уйсозлик колоннаси бинокорларига бутун куч уй-жой қурилишига ташлансин, деб кўрсатма берилди. Вагонлардан, вақтинчалик уйчалардан одамларни мумкин қадар тезроқ шинам уйларга кўчириш ана шуни тақозо этар эди. Социал-маданий объектларни фойдаланишга топшириш муддатларини кўчиришга тўғри келди. Жамоат маркази, ёзлик кинотеатр, маданият уйи қурилиши пойдевори учун ҳандак қазилган жойида тўхтатиб қўйилди. Бутун диққат-эътибор уй-жой қурилишига қаратилди.

1984 йилга келиб Нурободга шаҳар типидаги посёлка статуси берилди. Уни янада ривожлантириш проблемаларини ҳал этиш халқ депутатлари посёлка Совети ижроия комитети зиммасига тушди.

— Ҳамма вазифаларни айни бир пайтда ҳал этишга уриниш кучларни сочиб юборишини яхши билардик. — деб ҳикоя қилади Нуробод посёлка Совети ижроия комитетининг раиси Жалолиддин Алиев. — Биз олдин Янги Ангрен ГРЭСи раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари билан яқиндан баҳамжиҳат ҳаракат қила бошладик. Чунки уларнинг ёрдамисиз кўп иш қилиб бўлмайди. Аммо Нуробод қурилишида жиддий чекинишлар билан ҳам келиша олмадик.

Биз жамоатчилик кучига таяниб иш бошладик. Депутатлар ташаббуси билан ёзлик кинотеатр қурилишида шанбаликлар ўтказдик. 1985 йил баҳорида 500 ўринли зал томошабинларни қабул қилди. Бир неча юз минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Баланд каналдан новлар орқали сув келтирилди. Ҳеч ким четда қолмади. Ҳамма нурободликлар дам олиш кунлари, сменадан кейин кечқурунлари посёлкани обод қилишда қатнашдилар. Дарахтлар кўклади, гуллар яшнади, посёлка кўркам бўлиб қолди.

Беш йилликнинг охирига бориб Нуробод аҳолиси икки баравар кўпаяди. Шунга яраша уй-жой миқдори ҳам. Ҳозир бу ерда 25 та уй бор; иккита болалар комбинати, 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб, универсам, озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, дорихона, кутубхона ишлаб турибди.

Яхши яшаш учун гўё ҳамма нарса мавжуд. Лекин Нуробод посёлкасининг ўз хусусияти бор. Бу ерда аҳолининг ўртача ёши 27 ёшни ташкил этади. Аҳоли бўш вақтларини худди шаҳардагидек ўтказишни истайди. Бу эса осон проблема эмас.

Депутатлар уни пайсалга солмай ҳал эта бошладилар. Имкониятларни қидириб топдилар, жамоатчилик маркази қурилишини тезлаштирдилар. Маиший хизмат кўрсатишнинг ҳамма турлари: корхона, кийимларни химиявий усулда тозалаш, радио ва телеаппаратлар ремонт устахонаси, соатсозлик устахонаси, дискотекаси бўлган ёшлар кафеси шу марказда жойлашади.

Сайловчиларнинг яна бир накази бажарилиб, поликлиника очилди. 30 километр йўл босиб Ангренга боришга ҳожат қолмади. Посёлка маъмурий жиҳатдан ана шу шаҳарга бўйсунганлиги сабабли ишчилар шаҳар поликлиникасига қатнар эдилар. Ҳозир бу ерда медицина тез ёрдам пункти ҳам ишлай бошлади.

Бир ярим йил ичида ижроия комитетга 500 га яқин наказ тушди. Уларнинг ҳаммасини қисқа муддатда бажариб бўлмайди, албатта. Касалхона қурилишида ҳам худди шундай бўлди. Маҳкамачилик тўсиқларини енгиб ўтиш учун бир неча ой вақт кетди. Яхшиямки Ўзбекистон ССР Олий Совети ёрдам берди. Ҳозир касалхона комплексининг ярими қуриб битказилди. Учинчи болалар комбинати қурилишида ҳам шундай вазият вужудга келди. Депутатлар аҳолининг ойлик ўсишини ўрганиб шу йилнинг охиридаёқ посёлкада яна бир болалар боғчаси ва ясліси бўлими зарур деган хулосага келдилар. Ижроия комитетнинг илтимоси қондирилди. Ҳозир бинонинг биринчи қавати қад кўтарди.

— Ҳал этилмаган муаммолар ҳали кўп, — деб ҳикоя қилади Янги Ангрен ГРЭСи химия цехининг бошлиғи, посёлка Советининг депутати Ольга Кучерявенко. — Бизнинг спорт комплексимиз йўқ, ҳозирда оддий иншоотлардан фойдаланяпмиз, автовокзал, алоқа узели йўқ. Булар муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Лекин, посёлкамиз аҳолиси ёш, тушкунликка берилмайди. Булар ўсиш қийинчиликлари эканлигини ҳамма тушунади. Ҳозир депутатлар социал-маданий-маиший объектлар қурилиши муддатларини қисқартиришни ўзларининг энг муҳим вазифалари, деб ҳисобламоқдалар. Бунда нурободликларнинг ўзлари бизга фаол ёрдам беришмоқда.

Масалан, посёлка кутубхонаси ходими Тамара Андреевна Засадная қўғирчоқ театри ташкил этди. Қуйи синф ўқувчиларидан каникулда Нурободда қолган 50 га яқин бола қизиқарли иш билан машғул бўлди. Зиёдахон Иброҳимова бошчилик қилаётган депутатлар пости таклифи билан биринчи ётоқхонада «Импульс» вокал инструментал ансамбли ташкил этилди. Кечагина тарбияси қийин бўлган йигитлар бугун кинотеатрда сеанслар олдидан концерт бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг XXVII съездга Сиёсий докладида маҳаллий Советларнинг роли ва аҳамияти аниқ белгилаб берилган: «Бугунги кунда улар халқ оммасини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга сафарбар этишнинг энг самарали бўғинларидан бири бўлиши мумкин ва шундай бўлиши ҳам керак. Маҳаллий ҳокимият органлари сайловчилардан ваколат олар эканлар, ўз территорияларида ҳаётнинг ҳамма жиҳатлари учун масъулиятни ҳам ўз зиммаларига оладилар».

Нурободдаги халқ вакиллари ҳам худди ана шундай ишлашга ҳаракат қилмоқдалар.

**Л. ЛЕВИН,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## АСФАЛЬТ—БЕТОНДАН... УЙЛАР

● ТОШКЕНТ Политехника институтининг олимлари асфальт-бетондан уй қуришни таклиф этдилар. Улар қўшиладиган модда рецептини тузиб чиқдилар. Бу модда ҳоссалари олдиндан белгиланган материал олишга имконият яратди. Масалан, пишиқлиги, иссиққа чидамлилиги оширилган материаллар яратиш мумкин эди. Бундай асфальт-бетондан йиғма буюмлар, конструкциялар тайёрлаш мумкин.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу янгиликни қўллаш қурилишни арзонлаштиришга, уй-жойлар ва бошқа объектларни қурилиш индустриясининг доимий базаларидан анча олисда қуришга имкон беради. Чунки асфальт-бетон заводини ҳар қандай жойда бунёд этиш мумкин.

●

## НОТАНИШ «ЯНГИЛИК»

ТАЙМЕР деган асбоб сиз белгилаб қўйган вақтда ҳар қандай электр асбобларни — радио, телевизор, дазмол, самовар ва бошқаларни ишлатиши ва тўхтатиши мумкин. Бу унча қиммат бўлмаган прибор қилинган ҳаражатини тезда қоплайди, чунки электрни тежашга ёрдам беради, Тошкентдаги «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шу приборни ишлаб чиқара бошлади.

Бироқ, таймерларнинг дастлабки туркуми харидорлар кўзига «илинмади»: яхши харид қилинмаяпти. Чунки харидорлар кўп мамлакатларда кенг қўлланилаётган бундай приборнинг афзалликларини ҳали тушуниб етганларича йўқ. «Сигнал» мутахассислари рўзғор учун жуда керакли бу буюмни савдо ходимлари кенг реклама қилишини кутмоқдалар. Биз магазинларга истаган миқдорда таймер етказиб беришимиз мумкин, дейишмоқда улар. Лекин бунинг учун харидорлар талабини ҳам шакллантириш керак.

**(ЎзТАГ мухбири).**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

## ҲИНДИСТОНДА ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ КУНИ

ДЕҲЛИ, 3 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистонда қўшилмаслик ҳаракати куни ўтказилганлиги мамлакатнинг халқлар ўртасида тинчлик ва тенглик учун курашишга берган азму қарорининг ёркин намойишига айланди. Кўпгина штатларда ва иттифоқдош территорияларда бўлиб ўтган оммавий митинг ҳамда йиғилишларнинг қатнашчилари қўшилмаслик ҳаракатининг тинчликсеварлик овози ҳозирги мураккаб даврда тобора катта роль ўйнаётганлигини таъкидладилар.

Таниқли жамоат арбоби, умумҳиндистон тинчлик ва бирдамлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси, профессор Рашидуддинхон ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади: кўп жиҳатдан Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли қўшилмаслик ҳаракатининг обрў-эътибори анча ўсди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг табрикномасида қўшилмаслик ҳаракатининг ролига берилган юксак баҳони Харередаги анжуман қатнашчилари чуқур мамнуният билан кутиб олдилар.

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ БОНН. Бевосита Чехословакия чегараси яқинида, Шимоли-Шарқий Баварияда 14 сентябрдан 19 сентябргача давом этадиган «Шверер дампфхаммер» ҳарбий машқларида жами саккиз мингдан зиёд ҳарбий хизматчи қатнашади. Бундесвер қўмондонлигининг маълумотларига қараганда, бу машқларда ГФР ва Франция армияларининг бўлимлари иштирок этади. Машқларни ўтказишдан мақсад Бундесвер билан Франция қўшинларининг баҳамжиҳат ҳаракатларини пишиқтиришдан, ҳар икки мамлакат қуролли кучлари бўлинмалари жанговар тайёргарлигини текширишдан иборат.

◆ ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти Зимбабвега нисбатан қўпол нодўстона иш тутди. Душанба куни АҚШ давлат департаменти Қўшма Штатлар ана шу мустақил Африка мамлакатига 13,5 миллион долларлик иқтисодий ёрдам бериш тўғрисидаги олдинги ваъдасидан қайтганлигини эълон қилди.

◆ МАНИЛА. Филиппин территориясида жойлашган Америка ҳарбий базалари хусусидаги масала юзасидан умуммиллий референдум 1990 йилда ўтказилиши керак, деди мамлакат вице-президенти, ташқи ишлар министри Сальвадор Лаурель. У дипломатия корпуси аъзолари ҳузурида гапириб, агар Филиппин халқи Қўшма Штатлар базаларига қарши овоз берса, у ҳолда бу базалар 1991 йилда тугатилади деди. 1991 йилда Америка-Филиппин шартномасининг амал қилиш муддати тугайди, мамлакатда Америка ҳарбий базалари ана шу шартномага мувофиқ барпо этилган. Лаурель Филиппин ҳукумати Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва хавфсизлик зонасини барпо этиш ғоясини қўллаб-қувватлаётганлигини ҳам айтди.

◆ АФИНА. «Йўқолсин Америка флоти!» —Родос аҳолиси Грецияга қарашли бу орол яқинида лангар ташлаган 6-Америка флоти кемасини ана шундай шиор билан кутиб олди. 200 дан зиёд киши портни эгаллаб олиб, америкалик денгизчиларнинг қирғоққа тушишига йўл қўймадилар. Можарони ҳал этиш учун шошилинч равишда юборилган АҚШнинг Афинадаги элчихонасининг икки ходими ҳам ҳеч нарса қила олмай қайтиб кетди. Маҳаллий аҳоли уларнинг ҳам оролга киришига йўл қўймади. Оролнинг муниципаль кенгаши АҚШ ҳарбий кемаларининг оролга бундай яқин келишига қатъий қарши чиқди.

**(ТАСС, 3 сентябрь).**

### ҚИРОЛ ХУСАЙН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЧАҚИРИШНИ ЁҚЛАМОҚДА

АММОН, 3 сентябрь. (ТАСС). Барча манфаатдор томонлар, шунингдек БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг иштирокида ўтказиладиган халқаро конференциягина Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатиши мумкин, деди Иордания қироли Хусайн.

### ИСРОИЛ МАЪМУРЛАРИ АРАБ ЕРЛАРИДА ЖАБР-ЗУЛМ ҚИЛМОҚДАЛАР

ҚОҲИРА, 3 сентябрь. (ТАСС). Исроил оккупациячи маъмурлари Шарқий Қуддусда жойлашган фаластинликларнинг энг катта электр компанияси мол-мулки ва маблағини ҳаракатсиз тўхтатиб қўйди. Компания биносига полиция бостириб кирганидан кейин қонунга хилоф бўлган мана шу иш қилинди. Компания хоналари остин-устун қилиб ташланди, хизматчилар эса қўпол таҳқирланди.



◆ **НИКАРАГУА. Сандино революциясининг дастлабки декретларидан бири — одамларни бепул ўқитишни йўлга қўйиш бўлди. Минглаб кишилар ерлик деҳқонлар ва индейцларни ўқитиш учун мамлакатнинг турли бурчакларига йўл олдилар. Ҳозир бу ерда янги мактаблар, техникумлар ишлаб турибди. СУРАТДА: Манагуада очилган мактабда дарс пайти.**

**АДН—ТАСС фотоси.**

## ПОКИСТОНДА ҲУКУМАТГА ҚАРШИ НАМОЙИШЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 3 сентябрь. (ТАСС). Покистонда Зиёул Ҳақ режимининг мустабид сиёсатига қарши оммавий намойишлар уч ҳафтадан бери тинмаётир. Синд, Панжоб вилоятларида, шимоли-ғарбий чегара вилоятида яна катта норозилик намойишлари бўлиб ўтди, деб хабар беради ЮПИ агентлиги. Покистоннинг катта шаҳарларидан бири — Карочидаги намойиш қатнашчилари ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимиятни босиб олган Исломобод режими истеъфога чиқсин, деб талаб қилдилар.

## БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИНИ САҚЛАШ ВА ТИКЛАШ РЕЖАЛАРИ

ПЕКИН, 3 сентябрь. (ТАСС). Қадимги энг ажойиб меъморий иншоотлардан бири —Буюк Хитой деворини реконструкция қилишнинг катта программаси белгиланди.

Тарихчилар деворнинг дастлабки участкалари эрамиздан аввалги IV—III асрларда қурилганлигини айтмоқдалар. Эрамиздан аввалги 211 йилда Хитой бирлаштирилганидан сўнг яхлит девор қурила бошлаган ва неча асрлар давом этган қурилиш чоғида унинг жами узунлиги 5 минг километрга яқин бўлган.

1981 йилда Пекин шаҳар ҳукуматининг қарорига мувофиқ, Бадалинь махсус зона, деб эълон қилинди. Ўшандан бери Хитой пойтахтининг шу жойида деворнинг сақланиши ва реконструкция этилишини, шунингдек туризм индустриясини таъминлайдиган корхоналаргина ишлаб турибди. Атроф муҳит булғанишининг олдини оладиган алоҳида чоралар кўрилмоқда.

Мамлакат маданият ходимларининг ташаббуси билан тарихий обидани сақлаш оммавий жамоат кампанияси авж олдириб юборилди. Кейинги 5 йил ичида деворни таъмир этиш ва қўриқлашга жами 2,5 миллион юандан ортиқ пул сарфланди.

## ЁШ ЁЗУВЧИЛАРНИНГ IV РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ ОЛДИДАН

# Адабиёт саҳифаси

ЧИНОЗ РАЙОН «ЛЕНИН БАЙРОҒИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЙ ТЎГАРАК—МЕҲМОНИМИЗ

• Тинчлик мадҳияси
• Инсон хотираси азиз
• Умидбахш сатрлар
• Бир шингил кулги

## Уруш номин ўчирайлик луғатдан

Энди мангуликка эй, жаҳон аҳли
Қутилайлик уруш деган офатдан.
Уришмоққа йўқдир фотиҳлар ҳақи,
Уруш номин ўчирайлик луғатдан.

Уруш боис завол топди қанча жон,
У туфайли оқди дарё-дарё қон,
Қурбонларнинг ёди учун беомон
Уруш номин ўчирайлик луғатдан.

Урушга ем бўлди не ўғил-қизлар,
Гўё кўкдан учди ёрқин юлдузлар.
То ҳануз оналар болам деб бўзлар,
Уруш номин ўчирайлик луғатдан.

Уруш аждарининг қирқилсин боши,
Дарёдек оқмасин инсон кўз ёши.

То абад порласин тинчлик қуёши,
Уруш номин ўчирайлик луғатдан.
Келгуси асримиз уруш кўрмасин,
Ҳаёт чечаклари сира сўлмасин,

Энди асло, асло уруш бўлмасин,
Унинг номин ўчирайлик луғатдан.
Жаҳонга тинчлик деб жар сол, эй,
Ёдгор,

Шум уруш йўлига ғов сол, эй, Ёдгор,
Куррамизда бўлсин тинчлик барқарор,
Уруш номин ўчирайлик луғатдан.

Ёдгор бахши ИСҲОҚОВ.

## «Умид» ижодкорлари

Областимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлганидек, Чиноз районида ҳам ҳаваскор қаламкашлар, ёш ижодкорлар талайгина. Турли касб эгалари бўлган бу ёшлар «Ленин байроғи» район газетаси редакциясида бундан ўн уч йил муқаддам ташкил этилган «Умид» тўгараги атрофига уюшиб, ўзларининг ижод намуналарини адабиёт ихлосмандларига ҳавола этмоқдалар.

Чинозлик қаламкашлар ўзларининг шеърлари ва ҳикояларида, термалари ва достонларида жонажон Коммунистик партиямиз ҳозирги даврда олға сураётган долзарб масалалар, пахтакор ва чорвадорларнинг яратувчилик меҳнатлари ҳақида замонавий мавзуларда асарлар яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республикада ижодкор ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг ҳаваскор қаламкашлар билан ишлаш ва уларнинг ижодий ўсишларига кўмаклашиш бирмунча яхшиланди, ёшларнинг ижодини кенгроқ ёйишга эътибор кучаймоқда, малакали ёрдам берилмоқда.

Район меҳнаткашлари «Олмазор» совхозидан кекса боғбон-шоир, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Ёдгор бахши Исҳоқов, Киров номли колхоздан пенсионер Абдураҳим Каримий, Охунбобоев номли колхоз аъзоси Абдураҳмон Ҳусанов, ўрта мактаб ўқитувчилари Сойим Исҳоқов, Анора Пардабоева, Омон Жорқинбоев, поликлиника врачи Абдуҳофиз Қўлдошев, район пионерлар уйининг тўгарак раҳбари Абдужалил Раҳимов, Зебуннисо номли 45-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Наргис Давурбоева, журналистлардан Ҳабиба Шерова, Ҳамроқул Сулаймонов ва бошқа кўплаб умидли қаламкашларнинг ижодлари билан яқиндан танишдилар.

Ёшларимизнинг ижодий камолот сари одимлашларига Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Тошкент область бўлими ҳам амалий ёрдам бермоқда. Қаламкашларнинг қўлёзма асарларини муҳокама қилиш, уларга зарур маслаҳатлар бериш мақсадида ташкил этилаётган ижодий учрашувлар, адабий кечалар ва семинарлар ёшларимизнинг талант ва қобилиятларини рўёбга чиқаришда муҳим роль ўйнаётир.

Пахтасидай кўнгли оқ, даласидай бағри кенг азамат деҳқонларни, матонатли ишчи ва қурувчилар жасоратини мадҳ этиш ҳар бир қаламкаш учун шарафли ва масъулиятли бурчдир. Бу борада чинозлик ижодкорларга янгидан-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

**Зокир ҚУРТНЕЗИРОВ,**
**Чиноз район «Ленин байроғи» газетасининг редактори, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.**



СУРАТДА: «Умид» тўгарагининг фаол қатнашчиларидан бир группаси (чапдан) Ҳ. Сулаймонов, Т. Эрхўжаев, А. Пардабоева, Ҳ. Шерова, С. Қосимова ва А. Раҳимовлар ижодий баҳс устида.

А. Зуфаров фотоси.

## АЛЛА ЯНГРАГАНДА

(ЭТЮД)

АВЖИ ЕЗ. Сутдек ойдин тун. Борлиқ сукунат оғушида. Тўлин ойнинг қизғиш нурлари тунги табиатга ўзгача ҳусн-тароват бағишланган. Сержило юлдузларнинг нозик ноз-ишвалари киши диққатини ўзига тортгани-тортган.

Сўрида анчагача ухлолмай ҳаёл суриб ётдим. Шу пайт фавқулодда янграган майин қўшиқ ўйларимни тўзғитиб юборди. Қўшиқ шу қадар яқиндан эшитилар эди-ки, унинг дилрабо оҳанглари вужудимни тебратаётгандай бўларди. Бунчалар ширали, бунчалар майин овоз, бу!

Юрагимнинг энг чуқур қатламларига кириб борувчи бу наводан анчагача ўзимга келолмай қолдим. Секин қўшни ҳовлига мўрападим. Адашмаган эканман, ҳовли этагидаги олма шохига беланчак осилган, унда қўшнимиз Иқбол келинойи ўғилчаси Бахтиёржонни оҳиста тебратиб, нафисгина қилиб алла айтарди.

Бахтиёр беланчакда ётар, қўшиқ эса тинмасди. Энди уни фақат гўдак эмас, она-табиат ҳам жон қулоғи билан тинглаётгандай эди. Мен ҳам бу алланн тинглар эканман, унинг таъсиридан бутун дунёга ҳайқиргим келди:

— Алла янграмоқда, тингланг, одамлар! Она қалбидан тинчлик мадҳияси бўлиб муқаддас қўшиқ таралмоқда. Онаизор меҳр беланчагида мурғак жонни — мурғак келажакни улғайтирмоқда. Бундан замин ҳам, коинот ҳам ором олмоқда! Тинглаиг, эй, азиз инсонлар, она алласи янграмоқда.

Раъно ХОЛИҚОВА,
ТошДУ журналистика факультетининг 2-курс студенти.

## НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

«УМИД» тўгарагининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги машғулотида редактор ўринбосари Ҳ. Шерова йиғилганларни редакциянинг ёш ижодкорлар билан ишлашни янада яхшилаш йўлидаги режалари билан таништирди. Журналист Ҳ. Сулаймонов эса ҳаваскор қаламкашлар янги асарларининг ғоявий-бадиий савиясини таҳлил қилиб берди. Шунингдек, СССР Ёзувчилар союзи аъзоси Ёдгор бахши Исҳоқов, прозаик Сойим Исҳоқовлар ҳам ёш ижодкорларнинг асарлари юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Машғулот сўнгида мушоира ўтказилди. Унда Ё. Исҳоқов, А. Каримий, Ҳ. Сулаймонов, Н. Давурбоева, М. Содиқова, Р. Холиқова ва бошқалар ўзларининг шеър ва ҳикояларидан намуналар ўқиб беришди.

У. АБДУШОҲИДОВ.

## СУРАТДАГИ ҚИЗ

• ҲИКОЯ •

ТУНГИ поезд шаҳар чироқларини ортда қолдириб шитоб билан олға интилмоқда. Вагонда пассажирлар сийрак. Қаршимдаги ўриндиқда биргина солдат ўтирибди, холос. У бақувват қўлларини мушт қилиб вагон ойнасига тираб олган. Дамбадам уҳ тортади.

— Ака, чекишдан борми?

— Бор.

У сигаретани лабига уқувсизгина қистириб тутатди. Сўнг бир-икки тортди-да, вагон ойнасидан ташқарига улоқтириб юборди.

— Ҳали чекишни ўрганмаган экансиз.

У «бунинг аҳамияти йўқ» дегандай қўл силтади. Йигитнинг кўзлари уйқусизликдан қизарган, лаблари изтиробли титрарди.

— Хотинимни кўмиб келяпман... Боламниям,— бирдан унинг қалбидан ички нидо отилиб чиқди.— Етиб борганимда ҳушсиз эди, қайтиб кўзини очмади. Чақалоғи ҳам бир ҳафтагина яшади, холос. Ўғил эди. Юрагимга қил сиғмайди, ёрилиб кетай деяпман.

Ҳақиқатан ҳам бу оғир жудолик йигитни гангитиб қўйгани сезилиб турар, кўзлари ғуссага тўлганди. Вагон эса уни овутмоқчи бўлгандай бир маромда тебранарди. Бефарқ ташлаб қўйилган чемодан ўриндиққа тегиб секин-секин тарақларди. Ҳамроҳимнинг бошига тушган бу мусибат менинг ҳам юрагимни эзиб юборди. Солдатнинг қандай қилиб юрагига оро кириб уни юпатишни билолмай қолдим.

— Эртароқ уйланганмидингиз?

У гапимга парво қилмади.

— Илгарилари қип-қизил бебош эдим. Қирга пичан ўримига борганимда учрашганман у билан.— Йигит ўз-ўзига гапираётгандай ғўлдирарди, холос.— Чўпон қизи экан. Умримда бунчалик содда қизни учратмагандим. Ҳамма гапингизга ишонади. Исми Мунис. Отиям содда, ўзига ўхшаган экан.

Солдат яна хаёлга берилиб жимиб қолди. Хотира дилга таскин беришини бошига иш тушган одам билади. Фаҳмимча, у ўзининг ўша бахтли кунларини эсларди.

— Мен ҳар куни қизнинг йўлини пойлардим. Бир куни унинг ёлғиз ўзини учратиб, ҳар доимгидай гапни опқочмоқчи бўлдим, аммо эплолмадим. Гапингга лаққа тушаверадиган одамга ҳамма нарсани валдирайверишнинг баъзан қизиғи бўлмай қолар экан. Мен ҳам йўлини пойлаб, жим кутиб оладиган бўлдим. Кейин... орадан кўп ўтмай унга уйландим. Олти ой ўтиб, армияга жўнадим. Энди келсам... у йўқ! Мунис йўқ, ҳеч нарса йўқ! Дунёга жимгина келди-ю, жимгина кетди. Биласизми...

Йигитнинг кўзларидан дувдув ёш оқди. Юрагини эзғилаётган қайғу ва изтироб гўё ташқарига отилиб чиқаётгандай эди. Кейин у бирдан ўриндиққа муштлай бошлади.

— Менга ҳеч нима керакмас, энди. Тамом, ҳаммаси тамом...

Йигитнинг юрак нидоси вагонни тўлдирди.

Сўнгра у ён дафтарчаси қатидан сурат чиқарди. Суратдан кўзлари мулойим ёш қиз ҳайрон боқиб турарди.

— Суратига қаранг.

— Чиройли экан. Кечиринг, ука, ҳозир сизни юпатиш қийин. Лекин ўзингизни қўлга олсангиз яхши бўларди.

— ...

— Исмингиз нима?

— Латиф... Латифжон...

Орадан анча йиллар ўтиб, Латифжонни қайта учратдим. Унинг қадди-комати бироз тўлишиб, бўйи чўзилибди. Буғдойранг юзига қуюқ қора мўйлови ярашиб турарди. У аввалига мени танимади.

... Ойдинкўл қишлоғининг атрофи уфққа туташ пахтазор. Латифжон билан дала ўртасидаги сўқмоқдан кетиб борардик.

— Менинг шогирдим, — деди у ғўзани культивация қилаётган тракторчига ишора қилиб. — У ўтган йили мактабни битирган. Шунақа пайтларда ўрнимни билдирмай туради.

Биз қишлоқ кўчасига кириб келдик. Латифжон саҳнида бир туп мирзатерак бўй чўзган ҳовли томон бошлади. Катта мовий рангли дарвозадан ичкарига кирдик. Ҳовлининг озодалиги кишининг баҳри-дилини яйратади. Олди пешайвонли уйдан қўлида боласи билан ёшгина аёл чиқиб келди. «Уйланибди» деган фикр хаёлимдан ўтди. Ахир, одам боласининг ёлғиз яшашга тоби йўқ-да!

— Сабоҳат, меҳмон келди, — деди Латифжон уйга бошлаб кирар экан.

Хонадон соҳибаси менга бош ирғаб салом берди-да, ошхона томонга ўтиб кетди.

Мезбон билан дастурхон устида суҳбатимиз кўп қовушавермади. Латифжон ўша — биз илк бор учрашган дамларни эслаб ўйга толди.

— Уйланибсиз, фарзандлик ҳам бўлибсиз. Вақтнинг ўтишини қаранг-а! — Гапни қовуштиришга уриндим.

— Ҳа, уйланмай илож йўқ экан, ака, Сабоҳат — яхши хотин.

Унинг юрагидаги гаплар тилига эмас, кўзига кўчди. Назаримда, у шу дамда Мунисни ўйларди.

— Вақт ҳар нарсага даво, —дедим унга тасалли бермоқчи бўлиб.

— Йўқ, ака, — у чўнтагидан сигарета олиб тутатди. Аччиқ-аччиқ тутун тортди-да, чўғига бироз термулиб турди. — Вақт ҳамма нарсага ҳам даво бўлолмас экан.

— Энди иложингиз қанча?.. Тақдир...

— Ҳа, иложим йўқ. Бўлмаса, Мунисни тирилтириб келардим... Ўша воқеадан кейин мени хизмат анча овунтирди. Дардимни озми-кўпми унутган бўлдим. Уйга қайтдим-у юрагим яна эзилиб кетди. Ичкиликка ружу қўя бошладим. Баъзан Мунис туғилиб, ўсган қишлоққа жўнардим. Менинг ҳолимни кўриб қайнонамнинг ҳам ўпкаси тўлиб йиғларди...

— Жудолик осонмас.

— Тўғри айтасиз. Аммо менинг жудолигим бошқача. Буни фақат ўзим тушунаман. Биласизми...

Унинг кўзлари яна ялтирагандай бўлди. Латифжоннинг дил ярасини янгилаб қўйгандим.

— Айбга қўшмайсиз, ака, ҳар замонда шундай бўлиб туради,— у оғир тин олди.

— Сабоҳатга ҳам қийин.

— Сабоҳат ўрганиб қолган, чор-ночор чидайди. Ўзи қўшнимизнинг қизи. Унга ҳаммасини айтганман, билади.

Латифжон ён дафтарчасини чиқарди. Унинг орасидан Муниснинг ўша таниш суратини олди. Йиллар ўтиб, сурат ҳам сарғайиб кетганди. Латифжон унга узоқ термилиб қолди.

— Нима қилай, юрагимдан қуволмасам ҳеч!

Шу пайт эшик оҳиста очилиб, Сабоҳат чой олиб кирди. Эрининг важоҳатини кўрди-ю, тек туриб қолди. Кейин секингина қўлидаги боласини кўрпачага қўйди.

— Улуғбекни олиб ўтирасизми?

— Майли.

Мурғак бола даставвал онасининг ортидан талпингандай бўлди-да, сўнг дадасининг юзига синовчан тикилди. Жажжи қўллари билан Латифжоннинг бўйнини қучоқлаб олди. Дўмбоққина ўғилчасига бир зум мамнун тикилиб қолган отанинг бу ҳолати менинг ҳам қалбимни тўлқинлантириб юборди...

**Абдужалил РАҲИМОВ.**

## Дил рози

Ленинчи партияга —раҳнамога дилда розим бор,
Ёлқинли қалб сўзим бор, армуғоним, сарафрозим бор.
Монолит сафларингга мансубликдан беқиёс шодман,
Ҳамиша олдда юриб, ибрат бўлмоққа имтиёзим бор.
Олий мақсадингдир мудом —совет халқини саодати,
Доим кўксимдадир қўлим, сен —устодга чин эъзозим бор.

Жаҳонда тинчлик бўлсин деб курашда ҳеч толмассан,
Тинчликка овоздошлар ичра менинг ҳам овозим бор.
Яшарман, ишонч комил, яратмоқ шавқи-ла машғул,
Фидойи эл ишига танти, толмас, минг шоввозим бор.
Истиқболимни ёрқин тасаввур айлагум ҳар зум,
Режалар улкан экан, қиш ичи ҳам авжи ёзим бор.
Бу бахтиёр давру даврон сен туфайли эрур ҳар дам,
Таҳсину офаринга лойиқ сендек бахтнавозим бор.
Сабот-ла куйлагайман ёниб-жўшиб ҳур замонамни,
Қўлимда партия, халқ туҳфа этган янгроқ созим бор.

Ҳамроқул СУЛАЙМОНОВ.

## Саккизлик

Одамлар ичида бургутлари бор,
Юксакка учишдир улар орзуси.

Улар босган ерда ҳақ топар қарор,
Қалбларни иситар меҳр туйғуси.

Инсонлар ичида тулкилари бор,
Касби—айёрликдир, кўрмас зиёни.

Улар рози ҳатто ойда яшашга,
Пуллаб бўлса ҳамки кўҳна дунёни.

## БЕДОРЛИК

Майли, ҳаёт умр
йўлимдан
Оромимни ўғирлай
қолсин.
Майли, йиллар ранги
рўйимдан
Гўзалликни сидириб
олсин.
Меҳрим менинг денгиздай
тошиб
Қояларни этгай
чилпарчин.
Орзуларим довонлар
ошиб
Умидсизлар қалбига
етсин.
Данкодаги оловли юрак
Эзгуликнинг йўлин
ёритсин.
Ушалмаса дилдаги тилак
Менга таъна тошларин
отсин.
Инсонларнинг бари-
барига
Насиб этмас
яловбардорлик.
Шундай экан, сукут
қаърига
Ташлаб кетма мени
бедорлик!

Наргис ДАВУРБОЕВА,
45-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

## Сувчи дала кезар

Августнинг юлдузлар кулган оқ туни,
Дала нур қўйнида беҳудуд денгиз.
Сувчи пайкал кезар қувиб уйқуни,
Хаёлида чаноқни кўпиртирган куз.
Боқаман, юрагим қалқиб кетади,
Ой ҳам катталашиб балқиб кетади.
Далалар ёпиниб беқасам либос,
Бамисли тўлгандай йигит ёшига.
Ғўзалар ҳайратда боқар бу нафас,
Отаси — деҳқоннинг тоғ бардошига,
Эгатларда сувлар куйлайди жўшиб,

Сувчининг чироғи қолмагай ўчиб.
Дуру гавҳарларга эмас у ошиқ,
Беғубор юраги далага туташ.
Унга гўзалликлар этади тортиқ,
Ой дала кўксига қўяр экан бош.
Туйғуга йўғрилган далам, бу—менинг
Кулгуга кўмилган далам, бу—менинг
Августнинг юлдузлар кулган оқ туни,
Сувчи дала кезар қувиб уйқуни...

Анора ПАРДАБОЕВА.

## КУТИШ

(ҚАТРА)

АНҲОР бўйидаги икки туп мажнунтолнинг сувга энгашган шохларини жўшқин тўлқинлар калака қилгандек тинмай тебратади. Қуёш осмонўпар бинолар ортига ўтиб, ним қоронғулик чўккан. Хиёбон гавжум. Шу мажнунтол тагига қўйилган скамейкада бир навқирон йигит ўтирибди. Кўринишидан кимнидир кутаётир.

Ҳа, у севган қизини кутаяпти. Қиз нимагадир кечикди. Йигит тез-тез бетоқатланиб соатига қараб қўйди. Сўнгра яқиндаги трамвай бекати томонга юрди. Битта-иккита трамвай келиб тўхташини кутди, аммо қиздан дарак бўлмади. Яна ортига қайтиб, скамейкага омонатгина ўтирди. Бирор нарсасини йўқотиб қўйган кишидай у ҳар томонга алангларди. Шу пайт йигит ўрнидан сапчиб турди. Гўё кимдир бошидан бир тоғора олтин сочиб юборгандек мамнун жилмайди. Чиндан ҳам ундан ўн беш-йигирма қадамча нарида эртаклардаги парилардек оқ ҳарир кўйлакдаги қиз йигит томон бир-бир қадам ташлаб келарди.

— Келдингизми, Зулайҳо?!—деди-ю йигит қўлидаги соатига ишора қилди.

Қиз майин жилмайди. Унинг ўзига ярашган табассумидан йигит уни анча вақт кутиб, чеккан изтиробларини унутиб юборди...

Кутиш! Яна кутиш. Назаримда, ҳаётнинг ўзи кутишдан иборатга ўхшайди. Агар эртани бугун соғиниб кутмасак, ҳаётнинг асло қизиғи бўлмаса керак?! Келажакни муштоқ кутамиз. Урушдан кейинги ғалабага ҳам орзиқиб кўз тикканмиз. Мана, бугун яна кимнидир, ниманидир кутяпмиз.

Ҳаётнинг беқиёслиги ва чексизлиги ҳам шу кутишлардан иборатга ўхшайди. Кутиш бор экан, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Яхшиликни кутамиз, эзгуликни кутамиз. Аммо ҳаётимизда гоҳ-гоҳ бўлса ҳам ёмонликни раво кўрадиган, қабиҳликни кутадиган кимсалар ҳам учраб туради. Шундай ҳолларда савол ҳам туғилиб қолади:

— Сен нимани кутяпсан, биродари азиз?— Бу саволга жавобни ҳамма ўз юрагидан излаши керак.

Биз эртамизни бугунимиздан файзли ва тўкин бўлишига қатъий ишониб, келажакни соғиниб кутамиз.

...Мажнунтол ёнида ёрини муштоқ кутган йигит қизнинг қўлларидан тутиб, тунга файз қўшаётган рангли фавворалар сари кетди. Фаввора уларнинг бошларидан тортиб оёқларигача гўё олтин тангачалар сочарди.

ТЎЛҚИН.

## ЮКСАКЛИК

Яшайман ўнинчи қаватда,
Чироғим — юлдузлар нуридан.
Заминга қарайман албатта
Ҳамиша юракнинг тўридан.
Пешона тангиган деҳқондан
Сўрайман:
—Далалар омонми!
Сўзлангиз бошоқдан, нон, дондан,
Ҳосили яхшими, ёмонми!
У кўрсатар бош бармоғини,
Қичқирар мен турган осмонга:

— Эшитсанг, ҳосилнинг чўғини...
Етади ҳаттоки жаҳонга...
Деразам ромига қисилиб
Совуқ ой мўрида исиниб,
Қолгандай уч-тўртта юлдузлар.
Ёлғизлик ҳақида шеър сўзлар.
Юлдузлар нурида ишлайман,
Столим четида — иссиқ нон.
Шунақа юксаклик бўлурми
Кафтига олмаса гар деҳқон...

## БИР ТЎЙ БЎЛГАНДИ

46-йили бир тўй бўлганди,
Турмуш ўзи келтирди келимини.
Худди ўз қизидай
Худди отаси каби
Қайнатаси узатди келинини.
Фотиҳа ўқиди остонасида:
— Тошдан бўлсин, қизим, ҳамиша бошинг.
Кўзингдек авайла энди дунёнгни,

Бу сафар сўнмасин янги қуёшинг.
Кўп яша ўзингдан кўпайгин, унгин.
Ўзингдан яратгин бир дунё олам.
Минг марта розиман сендан, азизим,
Сен ҳам бу ишимдан рози бўл, болам...
46-йили шундай тўй бўлганди...

Малик ЭГАМОВ,
педагог.

## ТАРКИ ОДАТ АМРИ МАҲОЛ

ТИШ ДОКТОРИ ҚАБУЛИДАН
«РЕПОРТАЖ»

**Чайқовчи:** — Бир йўла икки тишингизниям оламан, дейсизми? Олсангиз майли-я, лекин аввал бир бундай нархини келишиб олайлик-да, опаси жонидан. Хўш, айтинг-чи, қанчадан олмоқчисиз?

**Пораxўр:** — Тишингизни оламан, денг, қуруқдан-қуруққа-я?!

**Ҳадикчи:** — Бу доктор тушмагурнинг қўллари бунча қалтирайди. Тилимниям суғуриб олмаса гўрга эди.

**Даллол:** — Мана шу, тепадаги ярми синган тишимни олинг. Э, у қорайган жойидан қўрқманг, синалган яхши тиш. Олинг, иккиланмасдан олаверинг, доктор, пушаймон қилмайсиз.

**Қўшиб ёзувчи:** — Биламан, битта тишимни олдингиз, лекин шу справкага иккита олдим деб ёзиб беринг, илтимос!

**Лаганбардор:** — Бошим сизнинг ихтиёрингизда. Нима десангиз шу, докторжон! Истаганингизни суғиравери нг. Майли, танлаб кўриб, ўзингизга ёққан энг яхшисини суғиринг. Бизга қолганлариям бўлаверади.

**Сотувчи:** — Оғриқ тишингизни кўрсатинг, дейсизми? Кўрсатаман-у, лекин оладиган бўлсангиз, ҳалигидай, озгина «шапка»си борда, акажон!

**Отарчи:** — Нуқул, оғзингни оч, оғзингни оч, деб қистайсиз. Хўш, оғзимни очсам бирон сўм қистирасизми, ўзи?

**Туҳматчи:** — Ҳузурингизга кираётганимда иккита тишим оғриётган эди. Сиз бор-йўғи битта тишимни суғирдингиз. Қолган иккинчи оғриқ тишимни қаёққа гумдон қилдингиз?

**«Репортаж» олиб борувчи**
**Н. ТОҒАЕВ.**

